FARG'ONA VILOYATI RISHTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 - yil 17 - iyun 5-11-158-Q/21 Rishton tumani hokimligi

Риштон туман ҳокимлигининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилишга оид чора – тадбирларни белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли "Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Фарғона вилояти ҳокимининг 2020 йил 30 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли Фармони тўғрисидаги"ги 256-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли "Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Фарғона вилояти ҳокимининг 2020 йил 30 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сонли Фармони тўғрисидаги"ги 256-сонли қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Риштон тумани ҳокимиятининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси (А.Тожиматов)га;

мазкур эскирган қарорлар рўйхатида кўрсатилган қарорларни бекор қилиш масаласи юзасидан 3 кун муддатда Риштон туман адлия бўлими (М.Қодиралиев)га таклиф киритсин.

4. Риштон туман адлия бўлими (М.Қодиралиев)га:

5 кун муддатда туман ҳокимлигининг давлат ҳисобига олинган, бироқ Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасига (lex.uz) жойлаштирилмаган қарорларни хатловдан ўтказсин ҳамда хатлов натижасида аниқланган ўз аҳамиятини йўқотган қарорларни эскирган қарорлар рўйхатига киритсин.

Эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий хужжатларни бекор қилиш юзасидан Риштон туман Халқ депутатлари туман Кенгашининг лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда regulation.gov.uz порталида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказсин.

Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти билан биргаликда туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини бекор қилиш масаласини Халқ депутатлари туман Кенгаши кун тартибига киритиш чораларини кўрсин.

5. Туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси (А.Тожиматов)га;

норматив тусдаги қарор лойиҳаларини белгиланган тартибда адлия бўлимидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини, шунингдек қабул қилинган норматив тусдаги қарорларни ҳокимлик расмий веб сайтида ҳамда расмий эълон қилиш манбалари (газета)да эълон қилиш ҳамда ўз вақтида давлат ҳисобига олиш учун адлия бўлимига юбориш вазифаси юклансин.

6. Риштон туман адлия бўлими (М.Қодиралиев)га;

юқорида белгиланган тартибга амал қилмаётган маъсул шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш учун туман ҳокимлигига таклиф киритиб борсин.

7. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (А.Деҳқонов) мазкур қарор расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустафакулов зиммасига юклансин.

Туман хокими **С.Солиев**

Риштон туман ҳокимининг
2021 йил 17 июндаги
5-11-158-Q/21-сон қарорига
1-илова

Риштон тумани ҳокимлигининг эскирган ва ўз аҳамиятини

йўқотган норматив тусдаги қарорлар

РЎЙҲАТИ

1	11.01.2011 йил №11	“Фарғона вилояти ҳокимининг 06.01.2011 йил кунги 2-сонли қарори ҳамда туман маҳаллий бюджетининг 2011 йил асосий кўрсаткичлари ҳақида”
2	13.06.2011 йил №309	Дафн этиш жойларини сақлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида
3	16.05.2011 йил №255	“Туман маҳаллий бюжетининг 2012-2014 йил учун лойихасини тайёрлаш ва кўриб чиқиш тўғрисида”.
4	15.01.2012 йил №21	“Фарғона вилояти ҳокимининг 11.01.2012 йил кунги 8-сонли қарори ҳамда маҳаллий бюджетнинг 2012 йилга асосий кўрсатгичлари ҳақида”
5	26.05.2011 йил №514	“Туман махаллий бюджетининг 2013-2015 йил учун лойихасини тайёрлаш ва кўриб чиқиш тўғрисида”
6	31.07.2012йил №696	“Туман маллий бюджетининг 2012 йил учун тастиќланган харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш тўґрисида”
7	14.01.2013 йил № 18	Фарғона вилояти ҳокимининг 03.01.2013 йил кунги 1-сонли қарори хамда туман маҳаллий бюджетининг 2013 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари тўғрисида.
8	02.01.2014 № 01	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ- 2099-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2013 йил 31 декабр кунги “Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2014 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари тўғрисида” ги 283-сонли қарори тўғрисида.
9	21.01.2014 № 55	Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек, машина трактор парклари, устхоналар ва сервиз пунктларининг асбоб ускуналарини мажбурий техник кўркдан ўтказиш тўғрисида
10	04.01.2016 й № 2	Риштон туманининг 2016 йилга махаллий бюджети параметрлари тўғрисида
11	09.02.2016 й № 164	Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида
12	09.02.2016 й № 165	Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалик машиналари, машина –трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2016 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

13	04.01.2018 № 02	Риштон туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида
14	31.01.2018 № 201	Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида
15	31.01.2018 № 202	Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида
16	05.10.2018 № 2126	Ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида
17	24.01.2019 № 227	Риштон тумани махаллий бюджетининг 2019 йилги кўрсаткичлари тўғрисида
18	29.03.2019 № 1555	Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл қурилиш техникаларива ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалига машиналари, машина-трактор парклари устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида
19	29.03.2019 № 1556	Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида
20	27.08.2019 № 6109	Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида
21	19.09.2019 № 6349	Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топилиша қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида
22	22.02.2020 № 254	Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида